O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'ZBEKISTON OVOZI

Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир.

• 2009-yil • 10-sentabr • Payshanba • 110 (30.071) • www.uzbekistan.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Иқтисод ва ислоҳот

Хонобод шаҳридаги «Андижонкабель» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси маҳсулотлари хорижда ҳам харидоргир. Жорий йилнинг биринчи ярмида 10 миллион АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинди.



«АНДИЖОНКАБЕЛЬ»НИНГ ХАРИДОРБОП МАҲСУЛОТЛАРИ

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, технологияни янгилаш туфайли нафақат ички, балки ташқи бозорларда ҳам рақобатбардош маҳсулотлар турларини ўзлаштиришнинг амалга оширилиши муваффақият омили бўлаяпти.

— Олинаётган фойда технологик яъни такомиллаштиришга йўналтирилмоқда, — дейди «Андижонкабель» қўшма корхонаси бош директорининг биринчи ўринбосари Соҳибжон Миноҳжов. — Замонавий компьютер ва ҳисоблаш техникаси сотиб олиш, мутахассислар тайёрлаш, маҳаллий алоқа тизими ташкил қилиш каби мақсадларга 500 миллион сўмга яқин маблағ йўналтирилди. Корхонанинг Самара, Алмати, Бишкек, Тбилиси, Ашхобод шаҳарларида жойлашган савдо уйлари ва ваколатхоналари орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 50 фоиздан кўпроғи экспорт қилинмоқда.



Дарҳақиқат, маҳсулот сифатининг ошишида технологик такомиллаштиришнинг аҳамияти беқиёс бўлмоқда. Аввалларида дала алоқа кабеллари алоҳида-алоҳида эшилиб, сўнг тайёр маҳсулот ҳолига келтириларди. Бу ишни бажарадиган дастгоҳнинг такомиллаштирилиши билан дала алоқа кабелларини бир пайтнинг ўзида эшиш имконияти юзага келди, сифати ортди. Айниқса, компьютерларга ишлатиладиган симларни қайта ўрашнинг замонавий усулда бажарилишининг йўлга қўйилиши маҳсулот сифатини оширди. Финляндиядан келтирилган дастгоҳнинг ишга туширилиши эса мис ғўла симлар тайёрлаш имконини берди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: «Андижонкабель» қўшма корхонаси фаолиятидан лавҳалар.

Азаматжон ТОШМАТОВ олган суратлар

Қишлоқ тараққиёти ВА фаровонлиги йили

КЎРГАЗМАГА ҚИЗИҚИШ КАТТА

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси давом этмоқда.

Кўргазма ахборот марказидан маълум қилишларича, шу кунгача ўн минг нафардан зиёд киши бу ерда намойиш этилаётган лойиҳалар билан танишган. Улар орасида меъморлар, лойиҳачилар, қурувчилар, қурилиш материаллари ва жиҳозлари, электр ва маиший жиҳозлар ишлаб чиқарувчилар, улгуржи-чакана савдо компаниялари вакиллари, фермерлар, тадбиркорлар, талабаёшлар, маҳаллалар фаоллари бор.

Кўргазманинг учинчи куни Навоий ва Наманган вилоятларидан келган вакиллар, пойтахтимиздаги бир қатор олий ўқув юртлари талабалари ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари кўргазма билан танишди.

— Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан вилоятимизнинг Косонсой, Уйчи, Учқўрғон ва Поп туманларида намунавий лойиҳалар асосида посёлкалар қурилиши режалаштирилган, — дейди Наманган вилояти бош архитектори вазифасини бажарувчи Неъматжон Жўрабоев. — Косонсой тумани Қўқумбой қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Навбаҳор маҳалласида 3, 4, 5, 6 хонали жами 225 та уй, маҳалла гузари, 350 ўринли мактаб, болалар боғчаси, қишлоқ врачлик пункти, деҳқон бозори, ҳаммом, минимаркет, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех барпо этилади.

Мазкур янги аҳоли пунктининг муҳандислик коммуникация тизимларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда сув тўплаш ва тозалаш иншооти қуриш, 4,8 километрлик ичимлик суви, 5,4 километрлик электр, 4,6 километрлик табиий газ тармоғини тортиш кўзда тутилмоқда. 9,2 гектар майдон ободонлаштирилади.

Турар-жой бинолари пишиқ ғиштдан қурилади. Ҳозир мамлакатимизда 600 дан зиёд корхона йилига 2,1 миллиард дона ғишт ишлаб чиқармоқда. Жорий йилда йилига 282,4 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш имкониятига эга 39 та янги завод ташкил этиш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 июнда қабул қилинган «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг модернизация қилиниши натижасида ишлаб чиқариш сарф-харажатларини камайтириш, маҳсулот нархининг арзонлашишига эришилади.

Кўргазма доирасида вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, архитектура, қурилиш, транспорт, коммунал хизмат соҳалари мутасаддилари, «Қишлоқ қурилиш банк»нинг жойлардаги филиаллари раҳбарлари, туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари, туманлар бош меъморлари аттестациядан ўтказилмоқда. Андижон, Бухоро, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларидан келган 24 раҳбар ходим мазкур аттестациядан ўта олмади.

Шу куни Навоий ва Наманган вилоятидан келган вакиллар иштирокида турли ҳудудларнинг ижтимоий-демографик, табиий-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар, тасдиқланган намунавий лойиҳа асосида уй-жой қуриш учун имтиёзли шартларда кредит ажратиш тартиби, якка тартибда уй-жой қуриш учун ер массивларини танлаш, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси иштирокида уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби, янги қурилиш материалларини қўллаш сингари мавзуларда семинар бўлиб ўтди.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА мухбири

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти

«ВАТАНГА МУНОСИБ ФАРЗАНД БЎЛАМИЗ!»

Наманган шаҳридаги «Тинчлик» майдонида вилоятнинг 16 ёшга тўлган фаол йигит-қизларидан бир гуриҳига фуқаролик паспортларини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти билан вилоят ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган бу тадбир ёшлар ёдида бир умр қоладиган бўлди. Унда вилоят ҳокими ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси Самияхон Раҳимова сўзга чиқиб, паспорт олаётган ёшларни, уларнинг ота-оналари ва устозларини мубораксбод этди.

— Мамлакатимизда, хусусан, вилоятимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда, кенг кўламли қурилишлар, ободончилик ишларида сиз ёшларнинг ўрнингиз катта, — деди у. — Зотан, яратилаётган имкониятларнинг барчаси сизлар учун, келажак учун. Сизлар бу имкониятларга, билдирилаётган ишончга муносиб бўлишга ҳаракат қиласиз, деб ўйлаймиз.

Учқўрғон иқтисодиёт коллежи талабаси Дурдона Хўжаева, Чуст академик лицейи ўқувчиси Сухроб Қорабоев, Ҳаққулобод академик лицейи ўқувчиси Дилафрўз Шаҳобиддиновалар тантанали маросимда сўз олиб, ўзлари ва тенгдошларининг мамнуниятини изҳор этдилар.

— Ёшларга фуқаролик паспортини тантанали топширишнинг аҳамияти катта, — дейди Тўрақўрғон туман ИИБ паспорт бўлими бошлиғи Аъзамжон Эрназаров. — Бу ёшларга қулайлик бўлиши билан бирга, уларда давлатимиз рамзи бўлган паспортга муносабат ва ҳурматни кучайтиради. Фуқаролик туйғусини шакллантиришга хизмат қилади.

— Илгари паспорт олиш учун ҳам қанча оворагарчиликлар бўлгани ҳақида ота-онамдан эшитганман. Бугун «Тинчлик» майдонида, тантанали равишда паспорт олганим албатта ҳаётимдаги унутилмас воқеа бўлиб қолади. Бундай эътибор биздан Президентимизга, халқимиз ва Ватанимизга муносиб фарзанд бўлишимизни талаб этади.

Чортоқ туманидаги 5-мактаб-интернати ўқувчиси Ҳумоюн Мирзакаримовнинг бу сўзлари тантанали маросим иштирокчилари томонидан бирдек қўллаб-қувватланди. Чунки бунда минглаб ёшларнинг дил сўзлари мужассам эди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

ҚИШЛОҚДА ЯНГИ МАКТАБ

Ўз мухбирларимиз хабар қилади

Узун туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактаби ўтган асрнинг 50-йилларида қурилган бўлиб, бугунги кун талабларига жавоб бера олмасди. Мамлакатимизда келажагимиз ворисларига алоҳида эътибор қаратаётганлиги боис, ёшлар жорий ўқув йилини янги зиё масканида бошлашди. Туман марказидан 40 километр олисда жойлашган қишлоқ ёшлари учун бу муносиб туҳфа бўлди.

— Бугун биз учун қўшалоқ шодиёна, — дейди мактаб директори Собир Хўжанов. — Узоқ йиллар кутган орзуимиз Ватанимиз Мустақиллигининг 18-йилида ижобат бўлди. Яқиняқингача 200 нафардан ортиқ ўқувчи мослаштирилган биноларда таълим олишарди. Ҳукуматимиз томонидан 192,5 миллион сўм маблағ сарфланган янги зиё масканимиз бугун ёшларни ўз бағрига олди. Яна улкан стадион, мўъжаз ошхона ва ажойиб кутубхонамиз бор.

Бундан устозлар, ўқувчилар ва ота-оналар беҳад миннатдор. Ишончим комилки, бўлғуси авлод шу ғамхўрликка яраша етук инсонлар бўлиб вояга етади.

— Замонавий синфхоналарга 45 миллион сўмлик жиҳозлар келтирилди, — дейди мусиқа фани ўқитувчиси Ўроқ Номозов. — Жорий ўқув йилидан бошлаб ўнга яқин тўгараклар ташкил этиш режалаштирилган. Зардўзлик курси фаолият бошлайди. Асл мақсад ўғил-қизларни баркамол авлод қилиб вояга етказишдир.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

«СУВДАЙ СЕРОБ ВА АЗИЗ БЎЛИНГ»

дейишмоқда тоза ичимлик суви билан таъминланган мингчинорликлар

Мингчинор Пахтакор туманининг чеккасида жойлашган қишлоқ. Бу ерга 40-45 йил муқаддам тортиб келинган сув қувурлари эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги сабабли қишлоқни ичимлик суви билан таъминлашда муаммолар юзага кела бошлаганди. Шуни ҳисобга олган вилоят «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқармаси яқинда 6 километр узунликдаги эски сув тармоқларини янгилади. Бу ишга маҳаллий бюджет ҳамда ҳомийлар ҳисобидан жами 159 миллион сўм маблағ сарфланди.

— Қишлоғимизда 400 нафардан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди меҳнат фахрийси Сирожиддин ота Алиев. — Сув узатиш қувурларини тортиб келишга бош қўшган ҳомийларни, «Сувоқова» корхонаси ишчиларини «Сувдай сероб ва азиз бўлинглар!», дея дуо қиляпмиз.

— Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш Дастурига кўра жами 27,1 километр узунликдаги эски сув қувурлари янгилари билан алмаштирилди, — дейди вилоят «Сувоқова» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош муҳандиси Парда Шукуров. Бу хайрли иш учун 943,9 миллион сўм маблағ сарфланди. Натижада яна 16 та қишлоқларимиз аҳолиси тоза ичимлик суви истеъмол қиладиган бўлди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ

«MAN» АВТОМАШИНАЛАРИ

Самарқандда ишлаб чиқарилмоқда

«JV-MAN Avto-Uzbekistan» қўшма корхонаси томонидан «MAN» юк автомашиналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу муносабат билан Самарқанд автомобиль заводида тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда «Ўзавтосаноат» АК ва «MAN Nutzfahrzeuge AG» компанияси вакиллари ушбу корхонанинг ташкил этилиши Ўзбекистонда замонавий ва халқаро бозор талабларига жавоб берадиган, экспортбоп юк машиналари ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Янги корхона йилига 2000 дан зиёд автомобиль воситаларини ишлаб чиқариш қувватига эга. Биринчи босқичда қўшма корхонада нефт-газ, автомобилсозлик, йўлсозлик, кончилик саноати ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари эҳтиёжлари учун турли қувватдаги юк автомобиллари ва ағдарма машиналар ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Абдували ХУДОЁРОВ

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ МАСЪУЛИЯТИ 2



3 ОЗОН ҚАТЛАМИНИ АСРАШ УЧУН



ҚЎЛИ ГУЛДИР ЎЗБЕК АЁЛИН... 4

O`zbekiston havo yo`llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Депутат ва ҳаёт

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

Юртимизда кечаётган бемисл ўзгаришлар, ислоҳотлар ҳақида ўйлар экансиз, унинг замирида ётган асосий масалалардан бири — самарали пул-кредит сиёсати эканига амин бўласиз. Инқирозга қарши чоралар дастури муваффақиятли амалга ошаётгани, иқтисодий бўҳронларнинг мамлакатимизга таъсирини камайтиришда ҳам бу соҳада белгиланган вазифаларни изчил бажаришнинг аҳамияти катта. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган депутатимизнинг ҳар кунги ҳаёти ана шу мураккаб жараёнлар ичида кечаяпти...



Шаҳрисабздаги Кунчиқар маҳалласи фаоли Рўзиой Норова узоқ йиллар мактабда инглиз тилидан сабоқ берган. Маҳалладошлари ишончи билан фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаган. Партиямиздан халқ депутатлари Шаҳрисабз туман Кенгаши депутати Абдуғофур Каримов фаолияти ҳақида ёзиш ғояси ҳам у билан суҳбатимиздан сўнг туғилди.

— Маҳалламиз унча катта эмас, уч мингдан ошиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди у. — Ободончилик ёмон эмас, ташвишларимиз ҳам етарли. Биласизми, ўтган сайловларда бир нечта номзод бор эди. Сайловчиларимиз Абдуғофур Каримовни танлади. У бизга катта ваъдалар ҳам бергани йўқ. Ишонч билдирсангиз биргаликда ишлаймиз, деди, холос. Унинг камтарлиги, масалаларга тўғри ёндашиши кўпчиликка маъқул бўлди. Адашмаган эканмиз, бир иш чиқса, ҳузурига ошиқамиз. Ўзи ҳам доим сайловчилар орасида. Маҳаллада ўн олтита кам таъминланган оилага моддий ёрдам уюштирди. Кўплаб тадбирларимизга бош-қош. Маҳалладошларимизга янги лойиҳалар устида ишлашга кўмаклашди. Натижада, уларга зарур кредитлар ажратилиб, янги иш жойлари очилди. Мен Халқ демократик партиясига хайрихоҳман. Бўлажак сайловда ҳам ана шундай депутатларни сайлашимиз керак...

Бугун Шаҳрисабз иқтисоди ривожланиб бораётган туманлар сирасига киради. Бу борада партиямиздан сайланган депутат Абдуғофур Каримов раҳбарлик қилаётган иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллий бюджетни, бюджетдан ташқари фондларни шакллантириш доимий комиссияси кўпгина ишларни олиб бормоқда.

Абдуғофур тоғли ҳудуддаги Тепар қишлоғида туғилиб ўсди. Отаси Карим ака оддий қурувчи эди. Онаси Иҳрож ая далада ишлаган, ҳам маҳалла фаоли бўлган. Гапини топиб айтгувчи, қатъиятли аёл. Оилада беш қиз, олти ўғилни камолга етказишди. Саксон тўрт ёшга етган ая ҳозир ҳам фарзандларини «Элнинг дуосини ол», деб тергаб туришни хуш кўради. Абдуғофур Шаҳрисабздаги қишлоқ хўжалик техникумини битиргач, Хисорак сув омбори қурилишида муҳандис бўлиб ишлади. Тошкент халқ хўжалиги институтини битириб, молия ва кредит бўйича ихтисослик олгач, изланиш йиллари бошланди. Дастлаб, Қарши даштини ўзлаштирувчи корхона ва ташкилотларни маблағ билан таъминлаган Давлат банкининг Ботош бўлимида иқтисодчи бўлиб ишлади. Марказий банкнинг Қашқадарё вилоят бошқармасида турли лавозимларда меҳнат қилиб, катта тажриба тўплади. 2003 йилдан Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Шаҳрисабз туман филиалини бошқармоқда. Шундан буён мижозлар хизматида. 1991 йилдан буён ЎзХДП аъзоси.

— Туман кенгашига сайланган 30 депутатнинг 19 нафари ЎзХДП аъзоларидир, — дейди партиямиз фаоли Роҳила Эшалиева. — Бир нечта доимий комиссияга ҳам партиямиздан сайланган депутатлар раҳбарлик қилади. Туман иқтисоди ривожланиб, бюджет тўловлари ўз вақтида амалга ошишида Абдуғофур Каримов бошчилик қилаётган доимий комиссиянинг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

— Партиямиз учун шундай депутатлар керак, — фикрга қўшилади Ғузор Маматов. — Бугуннинг талаби қаттиқ. Масалан, Шаҳрисабз тумани вилоятнинг саноат ривожланаётган марказларидан бири. Қишлоқ хўжалиги ҳам иқтисодда салмоқли ўринга эга. Қишлоқлар обод бўлмоқда, янги ўқув юртлари, спорт майдонлари қурилаяпти. Менимча, келгусида тузиладиган ҳудудий ривожланиш дастурига ҳал бўлмай қолаётган айрим масалалар киритилиши керак. Бунинг учун ҳудди Абдуғофур сингари иқтисодни яхши биладиган, ташкилотчи ва ташаббускор депутатлар зарур.

Абдуғофур Каримов ҳузурига келганимда у мижозлар билан суҳбатлашаётган экан. Юмушлари бироз енгиллашгач, у билан суҳбатлашдик.

— Партиямиз Марказий Кенгаши Инқирозга қарши чоралар ҳамда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида қўйилган вазифаларни бажаришга фаол иштирок этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Президентимизнинг китобларини ўқигансиз, унда жаҳонда инқироз қандай юз берди, Ўзбекистон шароитида унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар ҳақида чуқур мулоҳаза юритилган. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2008 йилда тижорат банкларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари барқарорлигини оширишга қаратилган Фармони эълон қилинди. Белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, ҳаётимизда реал самарасини ошириш, барчамиздан катта масъулият талаб этади. Бу жараёнларда партиямиз ҳар бир фаоли, ҳар бир депутатининг аниқ ва мақсадли иштироки бўлиши зарур.

— Ана шу ҳақда аниқ мисоллар келтира оласизми? Масалан, мен Миллий банкнинг Шаҳрисабз туман филиалидан 12 миллион сўмдан ошиқ кредит олган «Паҳлавон» даволаш-соғломлаштириш ва ташхис қўйиш маркази раҳбари, шифокор Улаш Ярашев билан суҳбатлашдим. Ишлари яхши, 25 киши меҳнат қилаяпти. Кредит олиб ноёб тиббий ускуналар сотиб олишибди.

— Боя айтганимдек, мамлакат бюджетидан банкларга ажратилган кредитлар кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи маҳсулотдаги ҳиссасини оширишга хизмат қилади. Шу жумладан туманимизга ажратилган маблағлардан 1 миллиард 961 миллион сўм саноат ривожига, 2 миллиард 59 миллион сўм қишлоқ хўжалигига, 735 миллион сўм маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Натижада, янги-янги иш ўринлари яратилаяпти. Кредитлар эвазига истиқболли лойиҳалар амалга ошаяпти. Сиз айтаётган марказ ҳам шулардан биттаси.

— Вилоят партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган конференциясида халқ депутатлари Шаҳрисабз туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз суст ишлаётгани танқид қилинди.

— Дарҳақиқат, анжуманда, вилоят партия ташкилоти олдида турган муҳим вазифалар ҳақида очиқ-ойдин гапирилди. Бизнинг партия гуруҳимиз айрим муҳим масалаларни сессиялар муҳокамасига олиб чиқолмагани рост. Бу сабокдан хулоса чиқариб олишимиз лозим. Менга конференцияда айтилган ташаббус кўрсатиш, фаол яшаш, фаол ишлаш ҳақидаги фикрлар маъқул тушди.

Депутат билан суҳбатимиз узоқ давом этди. Унинг айтган фикрлари жонлилиги, реал ҳаётдан келиб чиқиб билдирилаётгани менда катта таассурот қолдирди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўтган ҳафтада пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда Президентимиз сўзлаган нутқ пойтахт аҳли, кенг жамоатчилик томонидан қувонч ва ҳаяжон билан кутиб олинди. Бу ҳақда жойларда, давраларда мамнуният билан сўз бормоқда. Биз юбилей тадбири иштирокчиси, «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Муҳаммаджон ЗУФАРОВдан ўз таассуротлари ҳақида сўзлаб беришини сўрадик.

ТОШКЕНТ — ДУНЁНИНГ ЭНГ ГЎЗАЛ ШАҲРИ

— Кекса авлод таққослашни яхши кўради. Тўғрисини айтганда, бунга бизнинг маънавий ҳаққимиз ҳам бор. Ҳаёт экан, кўп нарсаларни кўрдик. Пойтахтимизнинг кечаги куни, аҳволи кўз ўнгимизда турибди. Бугунги қиёфаси, кўркини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Бу ишлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Тошкентни жаҳоннинг энг гўзал шаҳрига айлантириш учун Юртбошимиз раҳнамолигида озмунча меҳнат қилинмади, тер тўкилмади. Назаримда, Тошкентнинг йигирма икки асрлик ўтмишини тарозининг бир палласига, 18 йиллик тарихини иккинчи палласига қўйсак, мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар тош босиши муқаррар. Бу нафақат мени, балки бутун пойтахт аҳолисининг, яхши-ёмон кунларни кўрган нуроний отахон ва онахонларнинг дил изҳоридир.

Юбилей тадбири бўлиб ўтган муҳташам саройни кўриб, очиғини айтганда, кўзимга қувонч ёшлари келди. Бунақа маҳобатли бинони бу даражада тез, сифатли қилиб қуришнинг ўзи бўлмайди. Имоним комилки, бу саройни бош лойиҳачиси ҳам, бош меъмори ҳам, бош муҳандиси ҳам, бош бунёдкори ҳам муҳтарам Президентимиздир. Мен бу мажмуани таърифлашга ожизман. Бир сўз билан айтганда, бу мўъжиза. Жонажон пойтахтимиз олтин узук бўлса, ушбу сарой унга қўйилган олмос кўздир.

Мен, яна бир ҳақиқатни фахр ва ифтихор билан айтмоқчиман, яъни бундан 18 йил олдин Тошкентда Президентимиз томонидан мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинган эди. Буни қарангки, орадан ўн саккиз йил ўтиб, пойтахтимиз «Мустақиллик» ордени билан мукофотланди. Ушбу олий мукофот барчамизнинг қалбимизни ғурурга тўлдирди. Кўнглимизни тоғдай кўтарди.

Тантана вақтида Юртбошимиз Тошкентнинг эски тарихий жойларини, қадимий мавзеларини эслаб ўтди. У киши томонидан айтилган «Ҳар кимнинг ўз Тошкенти бор», — деган сўзларни эшитиб, менинг ҳам кўз олдимдан ўзим униб-ўсган Эски шаҳар кўчалари, маҳалла ва чойхоналар бирма-бир ўтиб, болалигим, ёшлигим ёдимга тушиб кетди. Менинг назаримда, юбилейда иштирок этаётган барча-барчанинг ҳам кўнглидан шундай туйғулар ўтган бўлса ажаб эмас.

Шукроналик


Шу ўринда яна бир гапни айтиб ўтмоқчиман. Шўро даврида маҳаллалар номигагина ташкил этилган бўлиб, одамларга маълумотнома беришдан нарига ўтмасди. Мустақиллик йилларида маҳалла том маънода ўз-ўзини бошқариш институтига айланди. Ўзига хос мавқеига эга бўлди. Ҳозир шаҳримизда 474 та маҳалла 3 миллион аҳолини қамраб олган. Бугун ҳовлида турадими, кўп қаватли уйдами, ҳаммамиз ҳам маҳаллада яшаймиз. Биронта одам ўз ҳаётини маҳалласиз тасаввур қилолмайди. Барча фуқаролар миллатидан, динидан қатъи назар, яхши-ёмон кунларида ҳам, тўй-ҳашам маросимларида ҳам аввало маҳаллага мурожаат қилади.

Кўнглимда гапларим кўп. Тўғрисини айтганда, шаҳримиз шу қадар чирой очдики, бунда тикланган иморатлар, йўллар... қайси бирини айтишни ҳам билмайсан киши. Узоққа бормайлик, Мустақиллик майдонини шаҳримизнинг жаннати десак бўлади. Бешёғоч даҳасидаги Ўзбекистон Миллий боғи ва унинг атрофида олиб борилган ободонлаштириш ишлари кўрган кўзни қувонтиради. Эски Жўвадан фақатгина эски номи қолди, холос. Бу гўша бутунлай ўзгариб кетди. Хастимомда олиб борилган ишларни айтмайсизми, ақл бовар қилмайди. Шаҳримизда 3500 та кўча мавжуд бўлиб, ундан 500 дан ортиғи янги қурилди. Қолганлари эса таъмирланиб, кенгайтирилди. 30 дан ортиқ икки қаватли, 8 та янги кўприк қурилди. Кичик ҳалқа йўли битказилди. Барча бозорлар таъмирланиб, 10 дан ортиғи янгидан қурилди. Биргина Фарҳод бозорини олайлик, шароитига қаранг, тўкинлигини қаранг, жондан бошқа ҳамма нарса бор.

Барчамизнинг кўз ўнгимизда катта ҳажмда бунёдкорлик, мислсиз қурилишлар, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Муҳтарам Юртбошимиз мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб Республикамиз юксалиши билан бир қаторда Тошкентни дунёдаги энг гўзал ва бетакрор шаҳарга айлантириш учун бор куч-ғайратини сарфлаб келмоқда. Тантанада ўтириб хаёлимга бир фикр келди. Қани энди ҳаммамиз ҳам Президентимиз каби Тошкентни севсак, қадрласак, унинг келажаги учун фидойилик кўрсатсак.

Темур АЪЗАМ
ёзиб олди.

Соғлом авлод — соғлом келажак







Хива туман халқ таълими бўлимига қарашли «Бинафша» мактабгача тарбия муассасаси яқинда тўлиқ капитал реконструкция қилинди. Бугун бу ерда 240 нафар бола таълим-тарбия олаяпти. Ўнта гуруҳга бўлинган кичкинтойлар атрофида 50 нафар ўқитувчи, тарбиячи ва энага парвона. Хорижий тиллар, бадиий гимнастика, компьютер технологияларй, мусиқа, тасвирий санъат сингари беш йўналишга ихтисослаштирилган ушбу маскандаги спорт зали ва майдончалари, бассейн, компьютер хоналари энг сўнгги русумда жиҳозланган.

Суратларда: *таълим маскани ҳаётидан лавҳалар.*

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

Дил изҳори



МАРҲАМАТНИНГ ФАХРИ, МАСЛАҲАТГЎЙИ

Давлатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига кўра Андижон вилояти, Марҳамат туманининг Қоракўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини, «Бўрибоши» маҳалласида истиқомат қилувчи 109 ёшли Махсудахон Нишонова «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Андижон вилояти ҳокими Аҳмаджон Усмонов юксак мукофотни топшириш учун онахоннинг хонадонига борди. Вилоят раҳбари Махсудахон момони Юртбошимиз номидан қизғин қутлаб, совғалар топширди.

Бир асрдан зиёд ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган онахон умр йўлдоши Пирмат бобо билан 3 фарзандни вояга етказди. Табаррук ёшли момо ҳозир 48 невара, 86 чевара, 43 эвара ардоғида умргузаронлик қилмоқда. Қишлоқнигина эмас, бутун Марҳаматнинг фахри, маслаҳатгўйига айланган онахон тетик, юрагида ғайрати бор.

— Бу ҳурмату эътибор учун Юрт отасига минг раҳмат, — дейди Махсудахон момо хурсандчилигини изҳор этиб. — Кексалар эъзозланган юртда тинчлик, хайру барака бўлади. Узоқ умр кўриш сирига келсак, хотиржамликда. Хотиржамлик эса ҳалол меҳнат, яхши ниятдан ҳосил бўлади. Сидқидилдан қилинган иш зое кетмайди. Юртимиз тинч, обод, дастурхонимиз тўкин бўлсин. Топганларимиз тўйларга буюрсин.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Хурсандбек АРАББОЕВ
олган сурат.

АСРДАН ОШГАН МОМОНИНГ ДУОСИ



Бир юз беш ёшдаман. Турмуш ўртоғим Жумёз оға билан олти нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказдик. Қирқ йилдан зиёд жамоа хўжалигида ишладим.

Аллоҳга беадад шукроналар бўлсинким, Истиқлол замонларини кўриш насиб этди. Кичик ўғлим Тоғондурди қишлоғимизнинг «Бўсалоқ» элатида оқсоқол бўлиб ишлаяпти. Ойгул ва Онагул қизларим ҳам эл хизматида. Йигирма беш нафар неварам турли соҳаларда хизмат қилишяпти. 46 нафар эварам бор.

Медал олганимни эшитиб, кўзларимга ёш тўлиб келди. Шу куни уйимиз тўйхонага айланиб кетди. Эл раҳбарлари-ю, қўни-қўшни, қариндош-уруғлар: «Юртбошимиз Сизга медаль берибди!» деб қутлашди. Сийловлардан кўнглим тўлиб кетди. Биз қарияларни сийлаётган Юртбошимизга Аллоҳ мени ёшимни берсин, деб дуо қилаяпман.

Шарифа момо ДЎСЧОНОВА,
«Шуҳрат» медали соҳиби,
Боғот туманидаги «Найман» қишлоғи.

СИЗГА ТАШАККУР

Ўттиз олти йилдан буён болалар сил касалликлари санаторийсида ишлайман. Мендай оддий ҳамширанинг меҳнатини шу қадар юксак баҳоланишидан ўзимгина эмас, бутун жамоамиз, маҳалладошлар, қариндош-уруғларим ҳам хурсанд бўлди.

Мукофотланганлигим ҳақидаги Фармон газетада эълон қилинган куни санаторийимиз бош врачи Аъзамжон Ботиров табриклаганларида, анчагача ишониб-ишонмай туриб қолдим. Кейин бўлим бошлиғимиз Замира Аҳророва телефон орқали қутлаб, бутун жамоа кутиб турганини айтди.

Учиб-қўниб санаторийга етиб бордим. Кўз ўнгимдан илк бор ҳамшира сифатида ишга қабул қилинган кунларим ўтди. Ҳамкасбларимнинг табрикларидан ҳаяжоним ошиб кетди. Барчасига севинч ёшларим билан ташаккур айтдим.

Кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшилди. Айниқса, сиҳатгоҳимиз замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган, шароитлари тубдан яхшиланган бир пайтда янада намунали ишлашга бурчли эканлигимни ҳис этаяпман.

Муҳтарам Президентимизга мени мукофотга муносиб кўргани учун минг ташаккур.

Мукаррамхон ҚАИМОВА,
«Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби,
Наманган вилоят болалар сил касалликлари санаторийси ҳамшираси.

Оила — муқаддас. Уни азал-азалдан табаррук ва дахлсиз санашган. Бугун ҳам у жамиятнинг бир бўлаги, таъбир жоиз бўлса, ажралмас муҳим қисми, деб эътироф этилади. Оиланинг иқтисодий аҳволи яхшиланса, даромадлари ошса, бундан аввало шу оиланинг аъзолари, қолаверса, жамият манфаат кўради. Саволлар пайдо бўлади: оила бюджети қандай шаклланади, даромадларни кўпайтириб, харажатларни қисқартириш учун нима қилмоқ керак? Умуман, оила шароитида даромад қаердан келади-ю, у нималарга харажат қилингани маъқул?

Мулоҳаза учун мавзу

ОИЛА ИҚТИСОДИ:

КИРИМ ВА ЧИҚИМ

ёхуд оилада даромадларнинг шаклланиши, харажатларнинг мақсадли ишлатилиши хусусида

Абдусаттор БОБОЁРОВ — Пахтакор туманидаги «Самарқанд» қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи оила бошлиғи, меҳнат фахрийси:

— Қандай оила бўлмасин, унинг даромадлари ўз-ўзидан кўпаймаслиги табиий. Бунинг учун аввало шу оиланинг қўлидан иш келадиган барча аъзолари ҳамжиҳатликда, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишлари, оила иқтисодининг барқарорлашувига ҳисса қўшишлари лозим бўлади. Бу гапни қандай қилиб бўлса-да, кўпроқ пул топиш, бойлик орттириш, деб тушунмаслик керак. Топилган озми-кўпми даромадни ишлатиш, харжлашда ҳам ҳикмат кўп. Тасаввур қилинг: не машаққатлар эвазига қўлга киритилган оилавий даромадларни ота ёки онанинг уқувсизлиги, лоқайдлиги, манманлиги туфайли бўлар-бўлмасга ишлатиб, бамисоли елга совуриш ҳам, аксинча, эзгу мақсадлар учун сарфлаб, оила тараққиётига, фарзандлар тарбиясига, маънавий ҳамда жисмоний етукликка хизмат қилдириш ҳам мумкин. Шу ўринда бир мулоҳаза. Умумтаълим мактабларида ўқувчиларга «Оила иқтисоди»дан чуқурроқ, кенгроқ сабоқ берилса, дегандим. Унда ўғил-қизларимиз оилавий киримлар ва чиқимлар, даромадларни шакллантириш йўллари, уларни мақсадли сарфлаш хусусида, умуман, оила иқтисоди ҳақида ўзларига муайян тушунчалар олишса, ўйлайманки, бу нарса ёшларимизга мустақил ҳаётда жуда-жуда керак бўлади.

Санталат ЭРГАШЕВА — Дўстлик туманидаги Наврўз қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси:

— Дугонамнинг оиласи, топиш-тутишлари, даромадлар, буромадлари ҳақида гапирмоқчиман. Бир қарашда ҳар тарафлама тўкис, киройи ҳавас қилсанг арзигулик оила. Хусусий дўкони, ошхонаси бор. Данғиллама ҳовлижой. Бир эмас, иккита шахсий автомашина. Уй тўла хориж мебеллари. Афсуски, ана шундай оилада китобга, газета ва журналларга қизиқиш ҳаминқадар. Ота-она фарзандларини энг сўнгги урфда кийинтириб қўйишган, компьютер, қўл телефонлари олиб беришган, лекин болаларининг газета-журналга обуна бўлган-бўлмаганликлари, бўш пайтларида қандай фойдали ишлар билан шуғулланаётганликлари билан қизиқмайди. Оилада етишмовчилик бўлса, бошқа гап. Ҳар томонлама тўкинлик, фаровонлик ҳукм сураётган бир шароитда буни қандай тушунса бўлади? Ёки гаражда яп-янги енгил машинаси турса-ю, фарзандига китоб, газета-журнал харид қилишга, рўзғорда ишлатилган табиий газ ва электр қувватининг ҳақини тўлашга келганда «қўли калта»лик қилиб қолаётган, 10-15 хонадан иборат уйжойи бўла туриб, ўғли ёки қизига дарс қилиш учун алоҳида хона ажратиб беришни «унутиб» қўяётган айрим юртдошларимиз ҳақида нима деса бўлади? Ким ўзарга тўйлар қилишга пул топаётган, аммо коммунал тўловлар, болаларини пуллик спорт тўгаракларига бериш, деса, иккиланиб, ўйланиб қолаётган замондошларимизчи? Наҳотки, уларнинг даромад топишга етган ақлфаросатлари шу оддий нарсаларга келганда оқсаб қолса?..

Оилада ота-онасининг, катта ёшдагиларнинг болалар тарбиясидаги ўрни, мавқеини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Уйда ота-она тадбирли, ишбилармон, меҳнатсевар бўлса, уларнинг бу хислатлари ўғил-қизларига ҳам албатта, «юқади». Ахир «Қуш уясида кўрганини қилади» деб бежизга айтишмаган. Шундай экан, биз ота-оналар фарзандларимизнинг оилада боқимандалик кайфиятида ўсиб-улғаймасликлари, аксинча, оила даромадларини оширишда бевосита иштирок этишларига эришиш пайида бўлишимиз лозим.

Ўғил-қизларимиздаги ижобий, фойдали ташаббуслар, изланишлар, тадбиркорлик, топқирлик каби хислатларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириб борсак, аминманки, эрта-индин бундай муносабату қарашларимизнинг маҳсулини албатта, кўрамиз. Афсуски, орамизда шундай ота-оналар ҳам борки соппа-соғ бўла туриб ҳеч қаерда ишламайди. Аслида, одамнинг бой ёки камбағал бўлиши, фаровон ёки ночор яшаши биринчи навбатда унинг ўзига боғлиқ эмасми? Меҳнат қилиб, меҳнатидан, ҳунаридан, касбу коридан барака топаётган, оиласининг иқтисодий аҳволини яхшилаётган, қисқаси, бойиб, бадавлатлашиб бораётганларга ҳавас қилсак, уларнинг изидан борсак, улардай бўлишга интилиб яшасак, менимча, ёмон бўлмайди.

Мухбир изоҳи: Оилада фарзанд тарбияси, уларни комил инсонлар қилиб вояга етказиш хамирдан қил суғургандай осон кечадиган иш эмас. У отадан ҳам, онадан ҳам фидойиликни, жонсаракликни, қунт ва чидамни, энг муҳими, ўзлари тарбия кўрган бўлишликни талаб этади. Оила иқтисоди, даромадлару буромадларнинг ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этиши турган гап. Иқтисодий ночор оилаларда турли-туман етишмовчиликлар, оилавий низоларнинг юзага келиши ҳам шубҳасиз. Булар энди шу оиладаги болаларнинг онгига, тарбиясига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди, албатта. Аммо даромадлари етиб-ортиб турган оилаларда-чи? Нима, бундай оилалардаги болаларнинг тарбияси ҳар доим рисоладагидайми? Унда иқтисодий аҳволи яхши бўлган баъзи оилаларда вояга етаётган ўғил-қизларнинг одоби, ахлоқидаги қусурлар қаердан пайдо бўлаётир?

Соҳиба ЮНУСОВА — Мирзачўл туманидаги Ипак йўли қишлоғида истиқомат қилувчи уй бекаси:

— Бу ҳолни фақат тўқликка шўхлик ёки ота-онанинг айби , деб баҳолаш мумкин. Ахир, оиланинг иқтисоди кўнгилдагидай бўлса, эр ҳам, аёл ҳам боласининг тарбиясига бефарқ қараса, ўғли ёки қизи ўқишдан кейин нима ишлар билан бандлиги, ўртоқлари, дўстлари кимлиги билан қизиқмаса, улардаги интилиш, истеъдод, қобилиятни тўғри йўналтириш, камол топтириш тўғрисида қайғурмаса, билмадим, буни нима деб аташ керак?

Қиссадан ҳисса: демак, оила иқтисоди ота-онанинг, қолаверса, фарзандларнинг елиб-югуришлари, фидойи меҳнатлари, изланишлари, истеъдодлари, қобилиятлари, тадбиркорлиги, хузур-ҳаловатидан кечиб яшашлари эвазига шаклланар экан.

Бинобарин, иқтисодимизни мустаҳкамловчи оилавий даромадларимизни авайлаб, тежаб билиб ишлатиш, шу оиланинг фаровонлиги, гуллаб-яшнаши, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдек хайрли мақсадларга сарфлаш ҳақида қайғурмоқ зарур. Токи, пешона тери, ақлу фаросат, меҳнату машаққатлар орқасидан келган бир сўмимиз ҳам ҳавога учмасин, сувга тушган тошдай изсиз кетмасин. Энг муҳими, у фарзандларимиз камолига, бахту иқболига, турмушимизни янада яхшилашга хизмат қилсин.


Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Афғонистоннинг Мустақил сайлов комиссияси мамлакатда яқинда бўлиб ўтган президент сайлови натижалари юзасидан билдирилган ариза ва шикоятларни ўрганиб, сайлов бюллетенларини қайта ҳисоб-китоб қилиш ҳақида қарор чиқарди.

САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНЛАРИ

қайта ҳисоб-китоб қилинади



Маълумотларга қараганда, учта музофотда сайлов натижалари бўйича баҳсли тортишувлар авж олган. Италиянинг «La Stampa» газетасида ёзилишича, 447 та сайлов участкасининг сайлов натижалари бекор қилинди. Нашрда қайд этилишича, Кобулга улкан қутиларда сайлов бюллетенлари олиб келинган, уларнинг қайси сайлов участкасидан келтирилганлиги номаълум, ҳали буни аниқлаш керак.


Жанубий Қандаҳор музофоти сохтакорликларнинг марказига айланиб қолмоқда. Бу музофотдан 350 мингта сайлов бюллетени Кабулга жўнатилган. Ваҳонланки, сайловда 25 минг нафар сайловчи овоз беришда қатнашганлиги расмий қайд этилган.

Эслатиб ўтамиз: шу йил 20 августда Афғонистонда президент сайлови бўлиб ўтди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, амалдаги президент Ҳ. Карзай учун 48,6 фоиз сайловчи овоз берган, унинг асосий рақиби, мамлакатнинг собиқ ташқи ишлар вазири Абдулла Абдулла номзодини эса 31,7 фоиз сайловчи қўллаб-қувватлаган. Афғонистон қонунчилигига кўра, сайловнинг биринчи турида ғолиб чиқиш учун номзод 50 фоиздан ортиқ овоз олиши шарт.

САМО ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯСИ

ерни электр энергияси билан таъминлайди

Япониянинг «Mitsubishi Heavy Industries» ва «IHI» корпорациялари ҳамкорликда электр энергияси ишлаб чиқарувчи йирик ва кучли генератор қуриш лойиҳаси устида иш олиб бормоқда. Қизиғи шундаки, жами 21 миллиард долларлик маблағ сарфланиши кўзда тутилган ушбу қурилиш лойиҳаси само кенгликларида, яъни Ердан 36 минг километр баландликда амалга оширилади.



Мазкур тадқиқот-қурилиш ишларида Япониянинг 16 та саноат ва илмий йўналишдаги компаниялари иштирок этади, дейилади «BFM.ru» порталидаги ахборотда.

Компаниялар кейинги 30 йил ичида Ер орбитасида 1 ГВт (гигаватт) электр энергиясини доимий Ерга узатиш қувватига эга бўлган улкан генераторни қуришлари лозим. Бу генератор орбитанинг 4 квадрат километр майдонига жойлаштирилгач, жуда кўплаб қуёш батареялари узатган иссиқлик қувватини энергияга айлантириб, Ерга йўналтиради.

Шундай қилиб, Япония 2040 йилдан космик энергиядан амалиётда фойдаланишни режалаштирмоқда.

Лойиҳанинг асосий вазифаларидан бири 2013 йилгача энергияни коинотдан Ер сайёрасига симсиз узатиш технологиясини яратишдан иборат. Назарий жиҳатдан буни микротўлқин ёрдамида бажариш мумкиндек, фақат амалда қандай қилиб бажариш сирлари номаълум.

— Бу ҳудди илмий фантастика сингари таассурот уйғотмоқда, аммо ёқилғи манбалари тугаб бораётган бугунги шароитда космик генерация муқобил энергия манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин, — дейди Япония иқтисодиёт ва энергетика институтининг ижрочи директори Кенцуке Канеико.

Космик энергия қанчага тушиши ҳақида ҳозирча бир нарса дейиш қийин, лекин Канеиконинг айтишича, 1 гигаватт энергия тахминан 294 мингта хонадонни энергия билан таъминлашга етади.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг бир гуруҳ ишчи-хизматчилари истиқлолнинг 18 йиллигини янги уйларда нишонладилар. 18 та оилага 6 хонали коттежлар берилгани барчани қувонтирди.

НЕФТЧИЛАР УЧУН ЯНГИ УЙЛАР

Корхона касаба уюшмаси қўмитаси раиси Ҳошим Қосимовнинг таъкидлашича, мазкур турар-жойларни барпо этиш учун корхона томонидан 1,5 миллиард сўм маблағ ажратилди. Ҳозир эса яна 12 та ана шундай қулайликларга эга коттежлар қурилиши жадал боряпти.

Даврон БАҲРОНОВ

ҚИШЛОҚДА ҒИШТ ЗАВОДИ

Бешбулоқ қишлоғи Деҳқонобод туманининг энг чекка масканларидан бири. Мустақиллик йилларида бу ерда ҳам замонавий уйжойлар қурила бошланди. Аммо пишиқ ғишт узоқлардан келтирилар эди. Шуни ҳисобга олиб, Омоншукур Эшболтаев ғишт- заводи барпо этишга бел боғлади. Унинг ташаббусини туман ҳокимлиги қўллаб-қувватлади ва Бешбулоқ қишлоғи яқинидан 7 гектар ер ажратди. Мутахассислар ғишт тайёрлаш учун соз тупроқни аниқлаб берди.

Омоншукур Эшболтаев банкдан кредит олди. Хитой Халқ Республикасидан ускуналар сотиб олинди ва қурилиш бошланди.

Завод тўла ишга тушгач, йилига 35 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқаради. Шу ҳудудда яшаётган 40 киши иш ўринларига эга бўлади.

Юнус УЗОҚОВ

Халқаро тадбир

ОЗОН ҚАТЛАМИНИ АСРАШ УЧУН



2009 йилнинг 8 сентябрь куни Тошкент шаҳридаги «Пойтахт» меҳмонхонасида Озон қатламини емирувчи модда (ОЕМ)лардан фойдаланишни тугатиш соҳасидаги Глобал экологик фонд(ГЭФ)нинг лойиҳалари натижаларини баҳолашга бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди.

Сайёрамизнинг ҳаво қобиғидаги кислород ҳавосидан доимий равишда озон пайдо бўлиб туради. Олимларнинг таъкидлашича — озон қатлами турли сабабларга кўра сийраклашиши мумкин. Бугун инсоният озон қатламининг тешилиши оқибатида сайёрамизда иқлим ўзгариши, чўлланиш, аҳоли орасида турли хасталиклар тарқалиши, глобал исиш жараёнидан азият чекаяпти. Маълумки, озон миқдорининг камайишига хўжалик фаолиятида ХФУ (хлор фтор углеродлар), бромли, метил, галонлар, эритувчилар каби бирикмаларнинг ишлатилиши сабаб бўляпти.

БМТ ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар дунёнинг экологик мураккаб вазиятдаги ривожланаётган мамлакатларига молиявий кўмак бериш борасида кўплаб лойиҳаларни амалга ошираяпти.

Маълумки, дунёда атроф-муҳит муҳофазаси доирасидаги халқаро лойиҳаларни амалга оширишда Глобал экологик фонд (ГЭФ) асосий молиявий ресурс, халқаро мақсадли фонд ҳисобланади. ГЭФ дунё давлатларидаги биохилма-хилликни, экологик хавфсизликни таъминлашда ҳамкорлик қилади, ГЭФ грантлар шаклидаги лойиҳаларни молиялаштиради. Шунингдек, халқаро сув объектлари, иқлим ўзгариши, озон қатламининг емирилишига доир лойиҳалар унинг дастурий фаолиятидир. Бинобарин, Ўзбекистон, Россия, Украина ва Қозоғистон давлатларида озон емирувчи моддалардан фойдаланишни тугатишга йўналтирилган 3 йилга мўлжалланган бир нечта лойиҳанинг бажарилиши кўзда тутилган эди.

ГЭФ Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, ҳамда унинг қошидаги озон емирувчи моддалар алмашишнинг бошқарилиши бўйича Озон офиси билан ҳамкорликда мазкур лойиҳаларнинг натижаларини баҳолашга бағишланган халқаро анжуманда Ўзбекистонда олиб борилган ишлар хусусида тақдимот ташкил этди.

Халқаро тадбирда Украина, Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг давлат ташкилотлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, божхона ходимлари, илмий тадқиқот институтлари олимлари, шунингдек, ГЭФ, Жаҳон банки, БМТнинг Тараққиёт Дастури, Оммавий ахборот воситаси ходимлари иштирок этдилар.

Семинарда бозор иқтисодиётига ўтиш босқичидаги — Ўзбекистон, Украина, Россия ва Қозоғистон мамлакатларида амалга оширилган ушбу лойиҳаларнинг натижаларига доир хулосалар, тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш масалалари муҳокама этилди. Маърузачилар ҳамда муҳокамада қатнашган мутахассислар озон емирувчи моддаларни босқичма-босқич фойдаланишдан чиқаришга мўлжалланган лойиҳаларнинг давлатларда қандай бажарилгани, ҳақида дунё миқёсидаги лойиҳаларга таққослаб фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Халқаро анжуманда Глобал экологик фондининг Ўзбекистондаги Миллий координатори доктор Дэвид Тодд ўз маърузасида шундай деди:

— Ўзбекистонда Монреаль протоколи мажбуриятларининг қандай бажарилаётгани хусусида гапирганда, аввало, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва озон емирувчи моддалар алмашишнинг бошқарилиши бўйича Озон офисининг фаолиятини алоҳида таъкидлаш керак. Негаки, қўшни давлатларда бундай офис йўқ, борлари ҳам фаолиятини тўхтатиб қўйган. Ўзбекистонда бу борада 3 та йўналиш бўйича лойиҳалар бажарилди. Шуни мамнуният билан қайд этмоқчимизки, Ўзбекистон ҳукумати бизга лойиҳаларни бажаришда яқиндан ҳамкорлик қилди, уч йил давомида доимий равишда қўллаб-қувватлади.

Бугун шуни баралла айтамизки, Ўзбекистон Монреаль протоколи мажбуриятларини тўлиқ бажараяпти, озон емирувчи моддалардан фойдаланишни тугаллашга йўналтирилган лойиҳа натижалари кўрсаткичлари бошқа давлатлардан анча юқори. Бу ҳудуддаги 42 тонна озон емирувчи моддалар тугатилди... Биз бундан мамнунмиз. Кези келганда Ўзбекистон ҳукуматига, ҳамкорларимизга миннатдорлигимизни билдирмоқчимиз. Минтақада бу борада ҳали қилиниши керак бўлган ишлар кўп. Шу боис биз келгусида Ўзбекистонда яна янги лойиҳаларни амалга оширишни мўлжаллаяпмиз, — деди у.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Наримон Умаров ўз сўзида: — Жамиятнинг тараққиёти экологик хавфсизликни сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, жумладан, озон қатламининг сийраклашишини олдини олиш билан чамбарчас боғлиқ, келгусида лойиҳаларни молиялаштиришда ГЭФ билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш устида ишлаяпмиз, — деди у.

Мазкур семинар натижалари ГЭФ Кенгаш бошқарувининг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқилади .

Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Божхона бекати

Маълумки, накд хорижий валюталарни давлат чегаралари орқали олиб ўтишнинг ўз тартиб қоидалари, белгиланган миқдор ва меъёрлари мавжуд. Бунга нафақат давлат фуқаролари, балки хорижликлар ҳам риоя этишлари лозим.

ИЗЗАТИНИ БИЛМАГАН «МЕҲМОН»ЛАР

Аммо айрим кишилар амалдаги тартиб-қоидаларга буйсуниш ўрнига, ноқонуний хатти-ҳаракатларга қўл уришади. Оқибатда эса ўз қилмишларидан пушаймон бўлиб қолишади.

Москвага учишга шайланган хориж фуқароси Е.Костина ҳам бугун пушаймонда қолди. Самарқанд аэропорти божхона пости ходимлари томонидан у 2320 АҚШ долларини яширинча олиб чиқишга уринганида тўхтатилди.

Тошкент аэропортида хорижлик А.Иқбал ҳам Лаҳор сафарини кечиктиришига тўғри келди. Бу аёл божхона баённомасини тўлдираётиб, ёнидаги 2530 АҚШ долларини қайд этишни «унутиб» қўйибди.

Океанортидан ташриф буюрган йўловчи жаноб Ф.Жеймснинг «Тошкент-Москва» йўналиши бўйича парвози қолдирилди. Мистер Ф.Жеймс ҳамёнидаги 4 минг АҚШ доллари ҳақида божхона баённомасида «лом-мим» демабди.

Канадалик У.Берж ҳам Москвага учиб кетиш олдидан божхоначилар олдида ер чизиб қолди. Ушбу шахс божхона баённомасида кўрсатилмаган ва божхона инспекторининг оғзаки сўроғи пайтида айтилмаган 5353 АҚШ доллари, 400 евро, 840 россия рубли ва 150 канада доллари миқдоридаги накд хорижий валюталарни яширинча олиб чиқишга уринган.

Республикамиз божхоначилари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 2.7 млрд. сўм қийматдаги турли накд валюталарнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати

СПОРТ

БОКСЧИЛАРИМИЗ ЧОРАК ФИНАЛДА



Милан (Италия)да ҳаваскор боксчилар ўртасида давом этаётган жаҳон чемпионати учрашувлари ҳал қилувчи паллага кирди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳам муваффақиятли иштирок этмоқда.

Мусобақанинг еттинчи кунида нимчорак финал босқичида рингга кўтарилган наманганлик Тўлашбой Дониёров (54 кг.) Денис Макаров (Германия)га қарши баҳс олиб борди. Унда вакилимиз очколар ҳисобида ғалаба қозониб, чорак финалга йўлланма олди — 8:3. Афина олимпиадаси совриндори, Осиё ўйинлари ғолиби Баҳодиржон Султонов (57 кг.) ўз вазн тоифасида польшалик Михак Чудескидан устун келди. Мусобақанинг ўтган босқичида македониялик боксчини нокаутга учратган Рамзжон Аҳмедов (91 кг.) Европанинг таниқли спортчиларидан бири, венгриялик Йозеф Дармос билан нимчорак финалда ўзаро куч синашди. Ушбу учрашув ҳам вакилимизнинг ишончли ғалабаси билан ниҳоясига етди — 13:10. Шундай қилиб, Милан рингларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган ўн бир боксчидан олти нафари чорак финал босқичига йўлланма олди.



Кеча Тўлашбой Дониёров (54 кг.) болгариялик Детеин Далаклиев, Баҳодиржон Султонов (57 кг.) туркиялик Керем Гурген, Ботиржон Маҳмудов (69 кг.) канадалик Майкл Зевски, Аббос Атоев (75 кг.) германиялик Константин Буга, Элшод Расулов (81 кг.) германиялик Рене Краусе ҳамда Рамзжон Аҳмедов (91 кг.) эса франциялик Жон М'Бумбаларга қарши рингга чиқиб, ярим финал йўлланмалари учун кураш олиб боришди.

Эслатиб ўтамиз, мазкур мусобақада дунёнинг 133 мамлакатидан энг сара 554 нафар боксчи ғолиблик учун рингга чиқмоқда. Бу жаҳон чемпионатлари тарихидаги рекорд кўрсаткичдир. Яна бир қизиқ маълумот. Россия ва Куба терма жамоаларидан тўққиз нафардан боксчи чорак финалга йўлланма олган. Боксчиларимиздан эса олти нафари медаллар учун баҳсларни давом эттирмоқда. Германия ва Украинадан беш, Хитойдан тўрт, Италия, Қозоғистон, Ирландия ҳамда Мўғулистондан учтадан спортчи чорак финалга етиб келишган.

Жаҳон чемпионатининг барча ғолиб ва совриндорлари номи 12 сентябрь куни маълум бўлади.

НАВБАТДАГИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

Кураш



Шу йилнинг 6-11 октябрь кунлари Алушта шаҳри (Украина)да кураш бўйича VII жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Куни кеча пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида ўтказилган матбуот анжуманида Бутунжаҳон курашни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси раиси Ҳабибулло Тожиев, Кураш Халқаро ассоциацияси бош котиби Умид Ёқубов ва бошқа мутахассислар ушбу чемпионат бўйича журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

— КХАнинг ўтган конгрессида VII жаҳон чемпионати мезбонлигига даъвогар тўрт мамлакат ўртасида Украина ғолиб чиққанди, — деди бош котиб Умид Ёқубов. — Алуштада ўтказилаётган навбатдаги жаҳон чемпионатининг аввалгиларидан фарқли жиҳати, унда илк маротаба медаллар учун терма жамоалар ўртасида беллашувлар ҳам уюштирилади. Шахсий биринчилик баҳсларида эркаклар етти, аёллар эса саккиз вазн тоифасида гиламга чиқадилар. Мазкур жаҳон чемпионатида дунёнинг олтмишга яқин давлатлари полвонлари иштирок этиши кутилмоқда.

ХИЛЬКО ВА САВКИНА СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Польшада батутдан сакраш бўйича жаҳон кубогининг навбатдаги босқич баҳслари якунланди.

Нуфузли мусобақанинг синхрон сакраш жуфтлик баҳсларида вакилларимиз муносиб қатнашдилар. Иқтидорли спортчиларимиз Екатерина Хилько ҳамда Анна Савкиналар якунда бронза медаллари билан тақдирланишди.

Эркин ХОЛБОБО

Халқ амалий санъати



Республика Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Республика «Ҳунарманд» уюшмаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Микрокредитбанк» ОАТБ бошқаруви ва бошқа қатор вазирликлар, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида шу йилнинг июнь ойида биринчи бор ўтказилган кўргазма савдоси натижалари ташкилотчиларни ҳам, иштирокчилар ва харидорларни ҳам бирдек мамнун этди.

ҚЎЛИ ГУЛДИР ЎЗБЕК АЁЛИН...

пойтахтимиздаги Маданият ва санъат кўргазмаси биносида давом этаётган кўргазма-савдо шундай деб аталади

Айни кунда мунтазам фаолият юритаётган ушбу кўргазма савдода ҳар ҳафта республикамизнинг турли ҳудудларидан келган 60 га яқин ҳунарманд аёллар ўзларининг маҳсулотларини намойиш этаяптилар.

Кўргазма-савдо иштирокчиларидан бири Муқаддас Ваисова Хоразм вилояти, Янгибозор тумани Чуволончи қишлоғидан. Бундан икки йил муқаддам «Микрокредитбанк»дан 600 минг сўм кредит олиб, ўз ишини бошлаган эди. Шу вақт ичида бозорни, истеъмолчи эҳтиёжини ўрганди, ишини кенгайтиришга зарурат сезди. Бунинг учун 10 нафар аёл ишлаётган цехини замонавий тикув машиналари ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш керак. Яна «Микрокредитбанк» ёрдамга келди.



Зиёдулла НОРМУРОДОВ олган суратлар.

Яқиндагина банкдан 7 миллион сўм кредит олди. Сирасини айтганда, кўргазмада иштирок этиш учун биринчи бор келганида ихтисослашган дўконларни айланиб, тикув машиналарини кўриб, роса ҳаваси келганди. «Микрокредитбанк»га ариза билан мурожаат қилди, бир ҳафта ичида ҳужжатлар расмийлаштирилиб, тегишли миқдордаги пул қўлига тегди. Кредит фоизининг пастлигини айтмайсизми — йилига атиги етти фоиз.

Муқаддас ўзи каби қўлигул тикувчи аёллар билан турли хил истеъмол моллари — кўрпа-тўшак ва ғилофлар, элита пардалар тикади. Ҳар бир мавсумда ўзига хос буюртмалар бўлади. Масалан, янги ўқув йили арафасида мактаб ўқувчилари учун формалар тиккан бўлсалар, айни кунда деҳқонлар пахта теришга этак буюртма беряптилар. Ишқилиб, маҳсулот арзон ва сифатли бўлса, буюртмачи ва харидорнинг изи узилмайди.

Маҳсулотларнинг арзонлиги сири — чиқит чиқмайди. Улар тайёрлаган лўлаболишлар, оёқ остига тўшаладиган гиламчалар, аппликацияли ёстиқлар мато қийқимларидан қилингани учун сув текин нархда.

Муқаддас кўргазма-савдога ҳозиргача уч бора маҳсулот олиб келганини, яна келиш нияти борлигини айтади.

— Ушбу тадбирдан мақсадимиз — хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уй меҳнати билан шуғулланаётган аёлларимиз меҳнатини рағбатлантириш, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, тадбиркорлик, ҳунармандлик ва касаначилик фаолиятини бошлашлари учун имконият эшикларини очиб беришда кўмаклашишдан иборат, — дейди Республика Хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси Дилбар Алимжонова. — Айни пайтда бу кўргазма ҳунармандларнинг бир-бири билан тажриба алмашиш имконини ҳам туғдиряпти.

Дарҳақиқат, хоразмлик Ўғилжон Давлетованинг маҳсулотлари билан андижонлик Тўхтахон Тешабоеванинг қизиқаётганига гувоҳ бўлдик. Ўғилжон опа «қурамиш» — мато бўлакларидан ажиб гўзаллик яратиш санъатини пухта эгаллаган экан. «Қурамиш»нинг рамзий маъноси бор, оила ҳам моддий, ҳам маънавий тўкис бўлсин, қуралиб кетсин деган маънода у келинлар сепи — гўшангадан тортиб, кўрпа-кўрпачаларни ҳам безайди.

— Опанинг ишлари Андижонча «қуроқ»дан фарқ қилар экан, — дейди Тўхтахон опа. — Ўрганиш учун бир нечтасини сотиб оляпман.

Тўхтахон опа тиккан чопону белбоғлар ҳам харидоргир.

— 40 йилдан бери тикувчилик, каштачиликдан даромад топиб, рўзғорга ҳисса қўшяпман, — дейди Тўхтахон опа. — Бугунги имкониятлар олдин қайда эди, дейсиз? Аксинча, тикиб, бозорга чиқарган маҳсулотимизни тортиб олиб қўйишган, яширинча ишлаб, савдо қилардик.

Аёллар ҳунармандчилиги борасида Тўхтахон опанинг ўз қарашлари бор. Ҳунарли аёл эрига моддий қарам бўлиб қолмайди, рўзғорга барака киритади.

Опанинг дўстлари — бўзлик ҳунарманд аёллар ҳатто рўзғордан ортиб, хайрли ишларга ҳам бош қўшаётган экан. Улар янги таъмирланган туман туғуруқхонасига кўрпа-тўшаклар қавиб ҳадя қилишибди. Атлас тўқувчи Шакархон Маматқодирова эса бир ярим миллион сўм инъом қилибди. Демак, севимли иш билан таъминланганлик, моддий тўкислик маънавий юксалиш ва ижтимоий фаолликка ҳам йўл очар экан.

Кўргазма-савдо қатнашчилари орасида ёш қизларни кўриб дил қувнайди — момоларимиз ҳунари унутилиб кетмайди, авлоддан-авлодга ўтади.

— Бухоро сўзаналари, чопонларини тикамиз, — дейди ўзи ҳам зар чопон ва дўппи кийиб юрган Бухоро тумани Кучкумар қишлоғида ҳунармандлар жуда кўп. Қумқўрғонлик моҳир каштачилар Турдигул Қулматова, Зулайҳо Тошмирзаева, Зиёда Чориевалар қўлидан чиққан сурхон сўзаналари атрофида ҳам харидор гавжум.

Қўқонлик тўқувчи Венера Калимуллина эса ундан ангор тивитидан тўқилган нафис шарф, рўмоллар харид қилаётган харидорларга ўзининг ташрифномаси, электрон манзили ва бир неча тилларда ёзилган ҳамкорликка чорловчи таклифларини ҳам беряпти.

Хуллас, кўргазма-савдо узоқ-яқин шаҳару қишлоқларимиздан келган ҳунарманд аёллар яратаётган мўъжизаларнинг, санъат асарларининг ва албатта, оддийгина халқ истеъмоли молларининг ҳақиқий намойиши бўляпти. Агар ҳикояларимиздан сўнг сизда ҳам уларни ўз кўзингиз билан томоша ва харид қилиш истаги туғилган бўлса, кўргазмага марҳамат...

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

БУНЁДКОРЛИК ЙИЛЛАРИ

Вобкент — Бухоронинг қўҳна кентларидан бири. Бу ерликлар шавкатли аждодларимиз ўгитларига амал қилиб, Мустақиллик берган имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда юрт ободлиги йўлида савобли ишларга бел боғлаганлар. Шу боис истиқлол йилларида 11 та қишлоқ, 44 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида катта ишлар амалга оширилди, аҳолининг яшаш шароити яхшиланди.

— Мустақиллик йилларида туманимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, — дейди меҳнат фахрийси, «Шуҳрат» медали соҳиби, партиядошимиз Қаюм Қозоқов. — Ҳозир қайси бир маҳаллага борманг, хонадонларга кирманг, ёш-қарининг чеҳрасида мамнунликни кўрасиз.

Дарвоқе, илгари туманда биргина пахта тозалаш заводи бор эди, холос. Энди ўнлаб кичик корхона, 2343 тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда.

— Мустақиллик одамларнинг эмин-эркин ишлашлари, ўз ички имкониятларини юзага чиқаришларига етарли шарт-шароит яратди, — дейди биз билан суҳбатда туман ҳокими ўринбосари, ЎзХДП фаоли Аҳрор Худойқулов. — Яқинда иш бошлаган «Вобкентёғ» МЧЖ ҳам шундай изланишлар самарасидир. Шу билан бир қаторда туманимизда хориж сармояларини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳам яхши самара бераяпти. Бу ўз навбатида қишлоқлар инфратузилмасини яхшилашга олиб келмоқда.

«Вобкентёғ» масъулияти чекланган жамият иш бошлагани боис туманда мазкур маҳсулотга бўлган талаб бирмунча қондирилибгина қолмай, балки қарийб 70 киши ишли бўлди. Ёки тумандаги «Намуна алфатекс» МЧЖда ҳам 35 киши ишлайди. Бу ерда рақобатбардош бўз ишлаб чиқариляпти.

Тумандаги қишлоқлар замонавий қиёфа касб этиб бораяпти. Шу ўринда биргина мисол: Кумушкент деганда хаёлингизда чиройли уйлар, гўзал гўша гавдаланади. Бу қишлоқда 13 мингдан зиёд аҳоли яшайди, ҳаммаси ҳунарманд, фойдали иш билан машғул. Қишлоқ юз фоиз газлаштирилган, ичимлик суви таъминоти яхшиланиб боряпти. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 5 км. узунликдаги сув қувурлари тортилган.

— Қишлоғимизда ҳамма иш билан банд, — дейди Кумушкент қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, партиядошимиз Вали Темиров. — Кимдир томорқа хўжалиги, яна бошқаси дурадгорлик, тадбиркорлик орқали қишлоғига фойда келтиради. Масалан, Барно Муҳаммадиев оиласи томонидан сотувга чиқарилаётган мебелларга қарасанг кўзинг қувнайди.

— Ота-бобомиз шу касбдан кун кўришган, — дейди уста Барно. — Мустақиллик эса бизга ана шу анъанани давом эттиришга имкон яратиб берди. Ўғилларимнинг шашти баланд. Мебель бозоримиз чаққон. Бунинг устига туманимизда касб ўргатувчи янги коллежлар сони кўпаймоқдаки, ёшлар учун бу янги имкониятдир.

Ҳа, айни пайтда туманда 7 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Байрам арафасида эса Янгикент қишлоғида агросаноат коллежи ишга тушди. Хуллас, истиқлолнинг ҳар бир янги тонги бунёдкорлик билан бошланади.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Газетанинг навбатдаги сони 15 сентябрь, сешанба куни чиқади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 849
8239 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 22.40
1 2 3 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda